

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 591-ҳадис

591 – وَعَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَكْثَرُوا ذِكْرَ هَازِمِ اللَّذَاتِ» يَعْنِي الْمَوْتَ،  
رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [2307].

591. Яна у кишидан ривоят қиланади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Лаззатларни парчаловчи ўлимнинг зикрини кўпроқ қилинглар», дедилар».**

*Имом Термизий ривояти.*

**Шарҳ:** Ўлим туфайли инсоннинг гуноҳлар қилишига сабаб бўлувчи лаззатлари парчаланаяди, йўққа чиқаяди. Инсон ўлимни эслаганида ҳам лаззатлари парчаланаяди. Дунёни эмас, охиратни ўйлаб қолаяди. Ёмон ишлардан қайтиб, яхши ишларни қилишга ўтади. Ўлимни ўйлаган, ўлганидан кейин бу дунёда қилган ҳар бир иши учун жавоб беришини ўйлаган инсон Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтиб яшашга ҳаракат қилади.

Ўлимни ўйламаган одам эса, тамоман тескари ҳолатда бўлаяди. Шунинг учун ҳам халқ ичида ёмон, бетавфиқ, золим, бировнинг ҳаққидан кўркмайдиган, ҳаром-харишдан ҳазар қилмайдиган кишиларга нисбатан ўлимни ўйламасмикан, деган ибора ишлатилади.

Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисда сизу биз умматларига хитоб қилиб, ўлимни кўпроқ зикр қилишимизга – эслашимизга амр қилмоқдалар. ҳа, ушбу ҳадисга амал қилиб, ким бўлишимиздан қатъи назар барибир бир кун ўлишимизни ҳеч эсдан чиқармайлик. Ана шундан кейин бу дунёда қилган ҳар бир ишимиз учун ҳисоб беришимизни ҳам унутмайлик.



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI